

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

272 Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1835-1

(2011 йил 8 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 майдаги ПҚ-1531-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 июндаги 14/5-сон қарори (рўйхат рақами 1835, 2008 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 286-модда) билан тасдиқланган Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

www.lex.uz

оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 11 июнь,
17/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил
11 июндаги 17/1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун
курилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид
қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банднинг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;
2. 6-бандда:
иккинчи хатбошидаги «ва Ипотека кредити беришни қўллаб қувватлаш жамғармаси маблағлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
3. 25-банднинг тўртинчи хатбошидаги «тасдиқланган» деган сўз «қабул қилинганлиги ҳақида штамп қўйилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.